

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«Рўйхатга олинди»

№ 52-5230900-3.10

2012 йил «14» март

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2012 йил «14»  
03 даги «107»-сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

*Ш. Содиқов*

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ  
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳалари:	100 000 – Гуманитар соҳа; 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.
Таълим соҳалари:	110 000 – Педагогика; 230 000 – Иқтисод.
Таълим йўналишлари:	5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит); 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича).

Тошкент – 2012



## **Кириш**

Ушбу дастур иқтисодий модернизація қилиш шароитида хўжалик субъектининг иқтисодий ривожланиш қонунлари, қоидалари ҳамда тартиблари тўғрисида билимлар тизимини таъминловчи иқтисодий таҳлил фанини объектив заруриятга кўра шаклланиши ва ривожланиш тарихи, фаннинг мазмуни, предмети ва вазифалари, тамойиллари, методи, анъанавий ва математик усуллари, иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари, корхоналарда таҳлилни ташкил этиш, комплекс иқтисодий таҳлил ва ишлаб чиқаришнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг методик асослари, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда сотишга таъсир қилувчи омиллар, мавжуд имкониятларини аниқлай олиш, фан усулларини турли тармоқлар молия-хўжалик фаолиятини таҳлил этишда қўллаш ҳамда улардан фойдаланишнинг назарий хусусиятлари каби масалаларни қамраб олади.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – иқтисодий модернизація қилиш шароитида талабаларга хўжалик субъекти фаолиятини турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш, содир бўлган ўзгаришлар ва уларга таъсир этган ички ҳамда ташқи омилларни ўз вақтида аниқлаш, фойдаланилмаган имкониятларни кўрсатиб бериш, тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга манба бўлувчи тавсиялар ишлаб чиқишни назарий асосларини ўргатишдир.

Фаннинг вазифаси – иқтисодий модернизація қилиш шароитида талабаларга хўжалик субъекти фаолиятини таҳлил этишнинг назарий асосларини, таҳлил жараёнида қўлланиладиган метод ва усулларни, таҳлил ишларини ташкил этиш, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартибларини ўргатишдан иборатдир.

### **Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар**

“Иқтисодий таҳлил назарияси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- кескин рақобат мавжуд шароитда хўжалик субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг ўрни ва роли, асосий принциплари, вазифалари, иқтисодий фанлар таркибида иқтисодий таҳлилнинг ўрнини, иқтисодий таҳлил қилишнинг усуллари, фаолиятда иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш, иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари, таҳлил турлари ва уларнинг мазмуни, иқтисодий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни комплекс таҳлил қилиш усуллари, омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаш, мавжуд имкониятларни топиш, информацион технологияларга асосланган бошқарув тизимида иқтисодий таҳлилни ташкил қилишни шакл ва усулларини билиши керак;

- таҳлил объекти, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб таҳлил жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш ва таҳлилга мослаштириш, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, таҳлил натижасига хулоса бериш ва яқун ясаш кўникмаларига эга бўлиши керак;

- хўжалик субъектида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш, ўтказиш, натижаларни умумлаштириш ва расмийлаштириш, субъектнинг иқтисодий фаолияти ва унинг яқунига ҳар томонлама баҳо бера олиш, тизимдаги барча кўрсаткичларга шарҳ бера олиш, субъект иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, камчиликларни бартараф эта оладиган ҳамда ривожланишни таъминлайдиган тавсиялар ишлаб чиқиш, компьютер технологиялари асосида таҳлил жараёнларини амалга ошириш каби малакаларга эга бўлиши керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Иқтисодий таҳлил назарияси” фани умумқасбий фан ҳисобланиб, тегишли таълим йўналишларида 5-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида белгиланган математик ва табиий (Олий математика, Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, Математик программлаштириш, Иқтисодий география ва экология), умумқасбий (Иқтисодиёт назарияси, Микроиқтисодиёт, Макроиқтисодиёт, Бухгалтерия ҳисоби назарияси, Менежмент ва маркетинг асослари, Статистика, Молия, Пул, кредит ва банклар) ва ихтисослик (Молиявий ҳисоб) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ривожланишни таъминлаш учун хўжалик субъектларини тўғри бошқариш зарур. Тўғри бошқариш қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини илмий белгилаш, иқтисодий ресурслари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш, фаолият натижасида фойда ва самарадорликга эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, фойдаланилмаган имкониятларни топиш йўллариини ишлаб чиқиш бевосита субъектлар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Рақобат шароитида манфаатдор томонлар хўжалик субъектларини тўловга лаёқатлилиги, молиявий барқарорлиги, маблағлар айланувчанлиги, рентабеллик кўрсаткичлари, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳолати, пул оқимлари ва хусусий капиталдаги ўзгаришларни баҳолаш орқали ўрганадилар ва бу борадаги зарурий қарорлар қабул қилади. Шунинг учун ҳам ушбу фан корхоналар молия-хўжалик фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

## **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Иқтисодий таҳлил назарияси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар ҳамда виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишда илғор инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилади.

### **Асосий қисм**

#### **Иқтисодий таҳлилнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари**

Иқтисодий таҳлил фанини пайдо бўлиш зарурати ва унинг сабаблари. Фаннинг шаклланиш элементлари. Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиш босқичлари. Иқтисодий таҳлил фанининг Ўзбекистонда ривожланиши. Фаннинг ривожланиш истикболлари.

#### **Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари**

Иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни. Иқтисодий таҳлил бошқарувнинг муҳим функцияси эканлиги. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети. Иқтисодий таҳлил фанининг вазифалари. Фанлар тизимида иқтисодий таҳлилнинг ўрни. Иқтисодий таҳлилнинг асосий принциплари.

#### **Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар**

Иқтисодий таҳлил фанининг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва усулларини таснифланиши. Оддий-анъанавий усуллар: таққослаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, гуруҳлаштириш, балансли боғланиш, занжирли боғланиш, мутлоқ ва нисбий фарқлар, индекс усуллари ҳамда уларнинг қўлланилиши. Иқтисодий-математик усулларнинг умумий тавсифи.

#### **Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда иқтисодий-математик усулларнинг қўлланилиши**

Хўжалик фаолиятини иқтисодий математик моделлаштириш. Стохастик ва детерминантлашган моделлар. Стохастик боғланишдаги иқтисодий кўрсаткичларни ўрганишда корреляцион ва регрессион таҳлил усулларининг қўлланилиши. Жуфтли ва кўп сонли корреляция тўғрисида тушунчалар. Натижавий кўрсаткич ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашда интеграл ва логарифм усулларидан фойдаланиш. Иқтисодий масалаларнинг мақбул ечимини аниқлашда чизикли программлаштириш

узулининг қўлланилиши. Иқтисодий таҳлил қилишда ўйин назарияси усулидан фойдаланиш.

### **Иқтисодий таҳлилнинг турлари, шакллари ва уларнинг ахборот манбалари**

Иқтисодий таҳлилнинг турлари ва шакллари тўғрисида тушунча. Иқтисодий таҳлил турлар бўйича таснифланиши ва унинг мезонлари. Иқтисодий таҳлилни мазмунига, даврига, объекти ва субъектларига, тармоқлар бўйича, кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича, компьютерлаштириш даражаси бўйича, ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўрганиш бўйича, ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражасига кўра турлари ва уларни тавсифи. Иқтисодий таҳлилнинг шакллари.

Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбалари. Таҳлилнинг иқтисодий ахборот манбаларига қўйиладиган талаблар. Таҳлилни манбалар билан таъминлашни такомиллаштириш йўллари.

### **Иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш. Иқтисодий таҳлилни режалаштириш ва ташкил қилиш босқичлари. Таҳлил жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш ва таҳлилга мослаштириш. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш. Таҳлил натижасида аниқланган имкониятлардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Таҳлил натижаларидан хўжалик субъектлари фаолиятида самарали фойдаланиш.

### **Комплекс иқтисодий таҳлил тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш**

Комплекс иқтисодий таҳлилда тизимли ёндашув. Комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш асослари, мазмуни ва тамойиллари. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва омиллари таснифи. Экстенсив ва интенсив ўсиш муносабатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва самарадорлигини комплекс баҳолаш услуги.

### **Молия-хўжалик фаолиятини асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш услуги**

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий, техник ва бошқа шароитлари таҳлили. Асосий воситалар самарадорлигини таҳлил этишнинг услуги. Моддий ресурслардан фойдаланиш таҳлилининг услуги. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишнинг услуги. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг муҳим кўрсаткичларини таҳлил қилиш услуги. Маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили услуги. Молиявий

натижалар ва молиявий ҳолат таҳлилининг услуги. Корхона молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва рейтинг баҳолаш услуги.

### **Иқтисодий таҳлилда инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ахборотларни инфор­мацион технологиялар асосида қайта ишлашни ташкил этиш асослари. Хўжалик фаолиятини замонавий инфор­мацион технологиялар асосида таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўллари.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда талабалар иқтисодий таҳлил усулларини таҳлил жараёнида қўллашни ўрганадилар.

Амалий машғулотлар бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Иқтисодий таҳлилнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.
3. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар.
4. Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда иқтисодий-математик усулларнинг қўлланилиши.
5. Иқтисодий таҳлилнинг турлари, шакллари ва уларнинг ахборот манбалари.
6. Иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилиш.
7. Комплекс иқтисодий таҳлил тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш.
8. Молия-хўжалик фаолиятини асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш услуги.
9. Иқтисодий таҳлилда инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, хўжалик субъектлари фаолиятини аналитик жадваллар асосида таҳлил қилиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан фойдалана олиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

“Иқтисодий таҳлил назарияси” фани бўйича 5111000 – “Касб таълими” (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) ва 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” бакалавриат йўналишларида ўқув режага мувофиқ мустақил таълим соатлари режалаштирилган.

Мустақил таълим талабанинг бажарадиган илмий изланиши бўлиб, иқтисодий таҳлил назариясини ўрганишда фаннинг бирор бир мавзусини тўлароқ ўзлаштиради ва иш белгиланган шаклда бажарилади. Мустақил ишни бажаришдан мақсад, талабанинг ўқиши давомида олган билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Иқтисодий таҳлилнинг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Иқтисодий таҳлилнинг асосий принциплари.
3. Иқтисодий таҳлил методи ва унинг хусусиятлари.
4. Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий усуллари.
5. Иқтисодий таҳлилда интеграл усулидан фойдаланиш.
6. Иқтисодий таҳлилнинг корреляцион ва регрессион усуллари.
7. Иқтисодий таҳлил турлари.
8. Молиявий таҳлил ва унинг аҳамияти.
9. Тижорат сири ва ички таҳлил.
10. Ташқи таҳлил ва унинг аҳамияти.
11. Тезкор таҳлилни ташкил этиш ва унинг ахборот манбалари.
12. Функционал қиймат таҳлили иқтисодий таҳлилнинг муҳим шакли.
13. Комплекс иқтисодий таҳлил.
14. Иқтисодий ахборот манбалари ва уларни қайта ишлаш принциплари.
15. Хўжалик субъектларида таҳлил ишларини ташкил қилиш.
16. Информацион ахборот технологиялари асосида иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш.
17. Информацион ахборот технологиялари асосида таҳлил ўтказишнинг методик, техник, дастурий ҳамда ахборот таъминоти.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Тавсия этилаётган мавзулар бўйича таълимнинг замонавий, хусусан, интерфаол методлари, педагогик ва ахборот коммуникация (медиа таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан, компьютер программалари ёрдамида таҳлил учун керакли манбалар назарий жиҳатдан шакллантирилади ва ундаги маълумотлар ўрганилади. Бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий кўрсаткичларни автоматлаштириш бўйича амалий дастур пакетларидан (“1С Предприятие”, “1С Бухгалтерия”, “Аудит-эксперт”, “Финаналитик”, “БЕМ” ва ҳоказо) шунингдек, EXCEL жадвал процессоридан фойдаланилади.



## Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари рўйхати

### Асосий адабиётлар:

1. Казакова Р.П., Казаков С.П. Теория экономического анализа. /Учебник –М.:Инфра-М, 2011.-239 с.
2. Шагиясов Т., Сагдиллаева З., Файзиев Б. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник –Т.: Иқтисод-Молия, 2008. – 352 с.
3. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. /Ўқув кўлланма-Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. -220 б.

### Қўшимча адабиётлар:

4. Бариленко В.И., Плотникова Л.К, Кузнецов С.И., Скачкова Р.В, Плотникова В. «Анализ хозяйственной деятельности»: – М.: Издательство «Омега - Л» 2009. – 414 с.
5. Гальчина О.Н., Пожидаева Т.А. Теория экономического анализа. –М.: Издательство: “Издательский дом Дашков и К”, 2010. -240 с.
6. Интернет сайтлари:
  - «Norma” (Меъёрий-хукукий дастурий таъминоти) 2011 йил
  - [www. gaap.ru](http://www.gaap.ru)
  - [www. buhgalt.ru](http://www.buhgalt.ru)
  - [www.audit-it.ru](http://www.audit-it.ru)
  - [www.books/bankir.ru](http://www.books/bankir.ru)
  - [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
  - [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)





